

Тошкент шаҳар транспорт мажмуасига кирувчи идоралар ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг 2016 йил I ярим йиллик иш якунлари бўйича ҳисобот

2016 йил I ярим йиллиги давомида “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти томонидан Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **2048-сонли**, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги “Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги **308-сонли**, 2016 йил 28 июндаги “Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги **215-сонли** қарорлари бўйича муайян ишлар олиб борилди.

Жумладан,

I. Асосий фаолият тури бўйича.

Тошкент шаҳар транспорт мажмуаси томонидан 2016 йил I ярим йиллик якунлари бўйича:

- **752,69 млн.йўловчи** ташилиб, режа **100,7%**га бажарилди ва **5,15 млн. йўловчи** кўп ташилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **101,4%**ни ташкил этиб, **10,75 млн.йўловчи** кўп ташилди;

- **171,69 млрд.сўм** миқдорида даромад олиниб, режа **104,1%**га бажарилди ва режага нисбатан **6,82 млрд.сўм** кўп даромад олинди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **0,4%**ни ташкил этиб, **0,61 млрд.сўм** кам даромад олинди.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан 2016 йил I ярим йиллик якунлари бўйича:

- **143,1 млн.йўловчи** ташилиб, режа **100,8%**га бажарилди, яъни **1,16 млн.йўловчи** кўп ташилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **11,8%**ни ташкил қилди, яъни **19,23 млн.йўловчи** кам ташилди;

- **134,5 млрд.сўм** миқдорида даромад олиниб, режа (**128,2 млрд.сўм**) **104,9%**га бажарилди ва режага нисбатан **6,3 млрд.сўм** кўп даромад олинди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **1,6%**ни ташкил этиб, **2,19 млрд.сўм** кам даромад олинди. Юқоридаги даромадларда давлат бюджети томонидан имтиёзли йўловчилар ташилишидан йўқотилган **15,4 млрд.сўм** миқдоридаги қоплаб берилган даромадлар ҳисобга олинмаган.

Шаҳар йўналишида йўловчилар ташиш миқдори **138,0 млн.йўловчини** ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичлари (**156,2 млн.йўловчи**) **88,4%**га бажарилди ёки **18,2 млн.йўловчи** кам ташилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **10,9%**ни ташкил этиб, **16,8 млн.йўловчи** кам ташилди. Йўловчи ташиш ҳажмининг пасайишига асосий сабаблар қуйидагилар:

- ойлик йўл карточкалари сотилишининг камайиши. 2016 йил I ярим йиллиги якуни бўйича **455 387 дона** ойлик йўл карточкалари сотилиб, бу эса 2015 йил шу даврига (525 389 дона) нисбатан пасайиш суръати 13,3% ташкил қилди, яъни 70 002 дона карточка кам сотилди. Бунинг натижасида йўловчи ташиш ҳажми 14,3% камайиб, **9,3 млн. йўловчи** кам ташилди;

- автобусларда йўловчилар ташиш ҳажмининг камайиши. 2016 йил I ярим йиллик якуни бўйича автобус корхоналари томонидан **104,9 млн.йўловчи** ташилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 10,9% ташкил қилди, яъни **12,8 млн.йўловчи** кам ташилди. Бунинг асосий сабаби техник сабабларга кўра автобусларнинг корхоналарга қайтиб кириш ҳолатларининг ўсиши, соатлар бўйича ўрнатилган графикларнинг ёпилмаслиги, корхоналарнинг дизель ёқилғиси билан тўлиқ даражада таъминланмаганлиги, ҳайдовчилар томонидан ўрнатилган кунлик пул тушуми режасининг бажармаслиги;

- трамвайларда йўловчилар ташишнинг камайиши. 2016 йил I ярим йиллик натижалари бўйича трамвайларда йўловчи ташиш ҳажми **2,7 млн.йўловчини** ташкил қилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 62,2% ташкил қилди, яъни **4,5 млн.йўловчи** кам ташилди. Бунинг сабаби Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги “Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги **102-сонли** қарори ижросини таъминлаш мақсадида трамвай йўналишлари ҳаракатининг тўхтатилганлиги;

- соатбай ташувларда йўловчилар ҳажмининг камайганлиги. 2016 йил I ярим йиллик натижалари бўйича соатбай ташувларда йўловчи ташиш ҳажми **1,7 млн.йўловчини** ташкил қилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 54,1% ташкил қилди, яъни **1,9 млн.йўловчи** кам ташилди. Бунинг сабаби соатбай хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар билан тузилган шартномаларнинг камайганлиги.

2016 йил I ярим йиллик якунларида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бўйича шаҳар йўналишларида йўловчилар ташишдан олинган даромадлар **117,1 млрд.сўмни** ташкил этиб, прогноз (**131,3 млрд.сўм**) кўрсаткичлари 89,2%га бажарилди ёки **14,2 млрд.сўм** кам даромад олинди. 2015 йил шу даврига нисбатан (117,96 млрд.сўм) пасайиш суръати 0,7%ни ташкил қилиб, 0,86 млрд.сўм кам даромад олинди. Ушбу даромадларнинг пасайишига асосий сабаб йўналишда олинган 85,4 млрд.сўм миқдоридаги даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига (94,4 млрд.сўм) нисбатан 9,5%га ёки **9,0 млрд.сўмга** пасайганлиги, ойлик йўл карточкалари 29,5 млрд.сўм миқдорида сотилиб, прогноз кўрсаткичларига (34,7 млрд.сўм) нисбатан 15,2%га ёки **5,3 млрд.сўмга** камайганлигидир.

2016 йил I ярим йиллик якунлари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар бўйича кутиладиган ҳаражатлар миқдори **149,8 млрд.сўмни** ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларига (**165,7 млрд.сўм**) нисбатан **9,6%га** ёки **15,9 млрд.сўмга** кам ҳаражат қилиниши кутилмоқда. 2015 йилнинг шу даврига нисбатан (**167,3 млрд.сўм**) эса ҳаражатлар миқдори **10,4%га** ёки **17,5 млрд.сўмга** кам бўлиши кутилмоқда.

2016 йил I ярим йиллик якунлари бўйича жамият тизимидаги корхоналар фаолиятдан кўрилган зарар миқдори **23,3 млрд.сўмни** ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларига (**22,3 млрд.сўм**) нисбатан **4,2%**га ёки **1,0 млрд.сўмга** кўп бўлиши кутилмоқда. 2015 йил шу даврига нисбатан (**37,6 млрд.сўм**) зарар миқдори **38,1%**га ёки **14,3 млрд.сўмга** кам бўлиши кутилмоқда. Зарар кўриш миқдори прогноз кўрсаткичлари бўйича **14,1%**ни ташкил этиб, 2016 йил I ярим йиллик якуни бўйича эса **16,3%**ни ташкил қилиши кутилмоқда. Бунда зарар кўриш миқдорининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан **15,6%**га ўсиши, 2015 йилнинг шу даврига нисбатан (**24,1%**) эса пасайиш суръати **32,4%**ни ташкил этиши кутилмоқда.

II. GPS тизими тўғрисида маълумот.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича мавжуд бўлган 128 та автобус йўналишларда тасарруф этилаётган 1 395 та автобусларга GPS-трекерлари ва GPS/GSM-антенналари ўрнатилган. GPS тизимида ишлаётган автобусларни “он-лайн” назорат қилиб бориш мақсадида янги нозимлик хизмати ташкил этилган. Ҳаракат таркибининг ҳаракатини узоқдан назорат қилиш тизимидан (GPS) асосий иқтисодий самарадорлик автобус йўналишларини назорат қилиш орқали эришилиб, бунинг натижасида ҳаракат интервалларига риоя қилиниши таъминланмоқда, йўналишлардан автобусларнинг техник сабабларга кўра қайтиб кириши ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳолатлари камайтирилмоқда.

III. Йўловчи ташиш транспорти учун Тошкент халқа йўли бўйлаб 8та автостанция қуриш ва битта автостанцияни реконструкция қилиш бўйича маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2048-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган 2013 йил 25 октябрдаги 307-сонли баённомага мувофиқ йўловчи ташиш транспорти учун Тошкент халқа йўли бўйлаб 8 та автошоҳбекат қуриш ва битта автошоҳбекатни реконструкция қилиш белгиланган.

Ҳозирги кунга келиб 9 та автостанция қурилиши учун зарур бўлган ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги Тошкент вилояти Зангиота, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳокимларининг қарорлари чиқарилган:

- Зангиота тумани ҳокимининг қарори билан Уч қахрамон автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 66-сон қарори билан 2,61 га, **Келес** автостанцияси бўйича (Тошкент-Келес йўналиши) 2016 йил 25 январдаги 67-сон қарори билан - 0,4 га (**2,5 га ер ўрнига**), по автостанции Эркин автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 68-сон қарори билан - 4,9 га, по автостанции Зангиота автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 69-сон қарори билан - 3,0 га, по автостанции **Назарбек** автостанцияси бўйича (Тошкент-Назарбек йўналиши) 2016 йил 25 январдаги 70-сон қарори билан – 1,2 га (**2,6 га ер ўрнига**), по автостанции **Минерал сувлар** автостанцияси бўйича (Тошкент-Минерал сувлар йўналиши) 2016 йил 26 февралдаги 199-сон қарори билан - 0,3 га ер (**2,3 га ер ўрнига**) ажратилган;

- Қибрай туман ҳокимининг **Салор** автостанцияси бўйича (Тошкент-ТошГРЭС йўналиши) 2015 йил 5 декабрдаги 2620-сон қарори билан - 0,12 га ер (**2,3 га ер ўрнига**) ажратилган;

- Юқори Чирчиқ туман ҳокимининг Бахт автостанцияси бўйича 2015 йил 17 декабрдаги 2259-сон қарори билан – 6,0 га ер ажратилган;

- Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг **Қўйлик** автостанцияси (Тошкент-Тўй-тепа йўналиши) бўйича 2015 йил 29 декабрдаги 1398-сон қарори билан - 2,0 га ер (**3 га ер ўрнига**) ажратилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 23 июлдаги 571-сонли қарори билан Тошкент-Тузель йўналишида **“Тузель”** автостанциясига (жами 2,3 га ер майдони) 0,6 га ер ажратилган, қолган **1,7 га** ер майдони Тошкент вилояти ҳудудидан ажратилиши керак эди.

“ТошбошпланЛИТИ” ДУК томонидан автошоҳбекатларни лойиҳалаш ишлари олиб боилмоқда. Бугунги кунда Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан 6 та автошоҳбекат учун етарли ер майдонлари ажратиб берилмаганлиги учун “Ягона буюртмачи хизмати” ИК томонидан техник шарт, АПЗ-1, АПЗ-2ларга буюртма берилмаганлиги олинымаяпти. Бундан ташқари лойиҳани ва қурилиш ишларини молиялаштириш манбалари аниқланмаган ва лойиҳа ишларига тегишли техник шартлар олиб берилмаган.

Автошоҳбекатлар лойиҳасини тайёрлаш ва қурилишини молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш мақсадида ҳамда 9 та автошоҳбекат қурилиши учун тахминий ҳисоб-китобларга кўра 22,8 млрд.сўм миқдордаги маблағлар зарурлигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2016 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 01-371-сон хат юборилиб, ушбу хатда 9 та автошоҳбекат қурилишини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги инвестиция дастурига киритилиши таклифи берилган.

IV. 2014 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида ўтказилган 62-сонли йиғилиш баёни топшириғига биноан “Тошкент метрополитени” ДУКнинг “Пахтакор”, “Хабиб Абдуллаев”, “Чорсу”, “Беруний”, “Олмазор” ва “Дўстлик” бекатлари ёнидаги автобус охириги бекатларини тиклаш бўйича маълумот.

Ер усти транспорти йўналишларини метрополитен станциялари билан боғлайдиган автошоҳбекатлар ташкил этиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан “Чорсу”, “Дўстлик”, “Пахтакор” ва “Беруний” автошоҳбекатлари тасарруфга туширилиб, ушбу бекатларга қуйидаги шаҳар йўловчи транспорти йўналишлари бириктирилди:

а) «Чорсу» бўйича - «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг учта йўналиши (109, 123, 188 - сонли) ва «Тошвилтранстерминал» Уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг 8 та йўналишлари;

б) «Дўстлик» бўйича - «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг 4 йўналиши (15, 22, 49, 54 - сонли) ҳамда масъулияти чекланган жамиятларнинг 3 йўналишли такси йўналишлари (72М, 115М, 166М -сонли);

в) “Пахтакор” бўйича - «Тошшахартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг учта йўналиши (1, 64, 65 - сонли) ҳамда масъулияти чекланган жамиятларнинг 4 йўналишли такси йўналишлари (124М, 130М, 142М, 171М - сонли);

г) “Беруний” бўйича - «Тошшахартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг 2 та йўналиши (12Т ва 78 - сонли).

“Олмазор” ва “Шахристон” (Ҳабиб Абдуллаев) бекатлари бўйича лойиҳалар тайёрланиши учун Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона буюртмачи хизмати” ИК томонидан зарур бўлган ҳужжатлар (топосхема, техник шартлар) тайёрланмоқда.

Ер усти транспорти йўналишларини метрополитен станцияларига боғлайдиган 5 та автошоҳбекатлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2015 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 02-1191 - сонли хат билан объектларнинг қурилиши ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгашига муурожаат қилинган ҳолда Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши таклифи берилган.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ва Молия бош бошқармаси томонидан лойиҳани ва қурилиш ишларини молиялаштириш манбалари аниқланмоқда.

У. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июндаги “Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 215-сонли қарорининг (ушбу қарор билан 2016 йил 5 апрелдаги “Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 102-сонли қарори ўз кучини йўқотган) ижроси тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 102-сонли қарорини бажариш мақсадида “Тошшахартрансхизмат” АЖнинг 2016 йил 28 март куни “Трамвай йўллари демонтаж қилиш тўғрисида”ги 60-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқда демонтаж қилинган трамвай йўлларида чикқан материалларни ўрнатилган тартибда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга берилиши ва “Тошкент трамвайи” УК балансидан чиқарилиши кўрсатилган. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент трамвайи” УК ўртасида трамвай йўллари демонтаж қилишни ташкиллаштириш бўйича жадвал тузилган бўлиб, ушбу жадвалга асосан ишлар олиб борилмоқда. Трамвай йўллари демонтаж қилинишидан кейин, материаллар далолатномалар асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 102-сонли қарорида “Тошкент трамвайи” УКга тегишли бино ва иншоотларни аукцион савдолари орқали сотилиши кўрсатилган. Ушбу топшириқни бажариш мақсадида “Тошшахартрансхизмат” АЖнинг 2016 йил 7 апрель куни 67-сонли буйруғи қабул қилинди. “Тошкент трамвайи” УК бино ва иншоотларинининг нархини

аниқлаштириш мақсадида жамият кузатув кегашининг 2016 йил 5 майдаги йиғилиши қарорига кўра баҳоловчи корхоналар аниқланган. Ҳозирги кунга келиб 4 та объектнинг бозор қиймати аниқланган бўлиб, уларни аукцион савдоларига чиқариш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда, “Тошкент трамвайи” УК асосий воситалари хатловдан (инвентаризация) ўтказилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда. Тайёрланаётган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳал қилиниши учун киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 102-сонли қарорида 80 дона “Исузу” русумли автобусларни харид қилиниши бўйича топшириқ берилган бўлиб, ушбу топшириқ бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги автобус саройлари ва “Ўзавтосаноат-лизинг” МЧЖ ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ўртасида шартномалар имзоланган. Ушбу шартномаларга кўра аванс тўловлари амалга оширилиб, ҳозирги кунда 30 дона янги “Исузу” русумли автобуслар автобус саройларига келтирилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 102-сонли қарори билан Чехияда ишлаб чиқарилган ва “Тошкент трамвайи” УК томонидан тасарруф этилган 20 дона “Vario LF” русумли трамвайларнинг сотилиши кўриб чиқилиши топширилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги йиғилиши баённомасига асосан ушбу трамвай вагонларини баҳолаш ва сотилиши бўйича комиссия ташкил қилинган ҳамда комиссия йиғилиши ўтказилган. Ҳозирги кунгача “Мастер эксперт” МЧЖ томонидан трамвай вагонларини баҳолаш ишлари амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июндаги “Тошкент шаҳар транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 215-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли қарори ўз кучини йўқотган.

VI. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар тасарруфидаги йўналишлар фаолияти тўғрисида маълумот

2016 йил I ярим йиллик яқунларига кўра 2 та (9-сон “Узумзор мавзеси”га ва 65-сон “Пахтакор” метросигача) автобус йўналишларининг йўналиш ҳаракати узайтирилди, 1 та (29-сон “Малика” бекатигача) йўналишнинг йўналиш ҳаракати қисқартирилди, 7 та (58-, 76-, 83-, 88-, 89-, 95- ва 152-сон) йўналишларнинг йўналиш ҳаракатига ўзгартириш киритилди.

2016 йил I ярим йиллиги давомида йўналишлар тармоғини мувофиқлаштириш ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида:

- 6 та (8; 9; 12; 13; 17; 26-сонли) трамвай йўналишлари ёпилди;
- трамвай йўналишлари бўйича ҳаркатланувчи 5 та (8т; 9т; 12т; 13т ва 17т) автобус йўналишлари очилди;
- 11 та (2; 9; 9т; 10; 13т; 16; 19; 34; 49; 50; 94-сонли) автобус йўналишлари ҳаракатига ўзгартириш киритилди;

- 26 та (3; 9Т; 12Т; 13Т; 15; 17Т; 22; 26; 31; 33; 41; 42; 50; 56; 61; 64; 70; 79; 81; 98; 103; 109; 111; 119; 123; 141-сонли) автобус йўналишларидаги ҳаркат жадваллари сонига ўзгартириш киритилди;

- 2 та (137; 144-сонли) ўта зарар билан ишлаётган автобус йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилиниб, йўналишлар очиқ тендер савдоларига қўйилди;

- 9 та (17М, 17И, 37М, 46М, 62М, 75М, 121М, 142М, 155М) йўналишли таксилар йўналишлар ҳаракатига ўзгартириш киритилди;

- 9 та (18И, 29М, 37М, 62М, 75М, 91М, 105М, 142М, 155М) йўналишли таксилар жадваллар сонига ўзгартириш киритилди;

- 5 та (11М, 75М, 18М, 125М, 183М) йўналишли таксилар йўналишларида хизмат кўрсатиш вақтинчалик (тендергача) берилди;

- 1 та (122М) йўналишли такси ташкил қилинди.

VII. Янги иш ўринлари яратиш ва малака ошириш дастури ижроси бўйича.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналарида 2016 йил давомида жами 159 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган, шу жумладан III-чорақда 76 та ва IV-чорақда 83 та. Янги иш ўринлари автобус саройлари томонидан йўловчи ташишга мўлжалланган “Исузу” русумли янги автобусларни харид қилиш ҳисобига яратилиши режалаштирилган. 2016 йилнинг I ярим йиллигида янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмаган, амалда 6 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

2016 йилнинг I ярим йиллигида жами 76 нафар, шу жумладан 61 нафар автобус ва 15 нафар бошқа турдаги мутахассислар тайёрланди. Ҳозирда жамият ўқув марказида 85 киши автобус ҳайдовчиси тайёрлаш курсларида таҳсил олмоқда. Шунингдек, жами 166 нафар ходим, шу жумладан 78 нафар таъмирловчи ва 88 нафар раҳбар ва муҳандис-хизматчилар турли йўналишларда ўз малакасини оширди. Ўқув ишлаб-чиқариш марказида махсус дастур асосида 88 нафар ходим газли қурилмаларда ишлаш бўйича ўқув курсларида ўқитилди. Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мутахассислари иштирокида автобус корхоналарининг 65 нафар раҳбар ва мутахассислари билан ҳаркат таркибини тасарруф этиш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш мавзуларида ўқув семинарлари ташкил этилди.

2016 йилнинг I ярим йиллигида жамият корхоналарида касб-ҳунар коллежларининг 2 010 нафардан ортиқ ўқувчилари амалиёт ўтдилар, бугунги кунгача улардан 313 нафари билан ишга жойлаштириш юзасидан тўрт томонлама шартномалар тузилди. Шу билан бир қаторда, Тошкент автомобиль ва йўллар институти билан мазкур институтнинг 139 нафар талабасининг ишлаб-чиқариш ва дипломолди амалиётини тармоқ корхоналарида ташкиллаштириш тўғрисида шартнома тузилди.

VIII. Дебитор ва кредитор қарздорликлар

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг умумий **дебитор қарздорлиги** 2016 йил 1 июль ҳолатига **6,1 млрд. сўмни** ташкил этиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **1,0 млрд.сўмга** кўпайган.

Жамият корхоналари томонидан пахта йиғим-терими мавсумида кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорликлари 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра **2,6 млрд.сўмни** ташкил этади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ИИББ қарздорлиги – 1,3 млрд.сўм ва бошқалар ташкилотларнинг қарздорлиги – 2,2 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг умумий **кредитор қарздорлиги** 2016 йил 1 июль ҳолатига **31,9 млрд.сўмни** ташкил этиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **5,8 млрд.сўмга** кўпайган.

Жамият корхоналарининг 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра “Пахта нефт базаси” УК олдидаги дизель ёқилғиси учун кредиторлик қарздорлиги 8,0 млрд. сўмни, сарфланган электр энергияси учун “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” олдидаги кредиторлик қарздорлиги (метрополитен) 5,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

IX. Маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуна ва жиҳозларни алмаштириш бўйича.

2016 йил прогноз кўрсаткичлари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи 9 та тармоқ корхоналарида жами 128 дона маънавий ва жисмонан эскирган асбоб-ускуна ва жиҳозларни алмаштириш режалаштирилган.

Шу жумладан, 2016 йил I ярим йиллигининг прогнозида алмаштирилиши зарур бўлган асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг сони 38 та бўлиб, амалда 40 та дона харид қилинди ва прогноз кўрсаткичлари 105,3%га бажарилди. Жамият корхоналари кесимида “2-автобус саройи” МЧЖ бўйича режада 1 дона асбоб-ускуна ва жиҳоз алмаштирилиши керак бўлганлигига қарамасдан, режа умуман бажарилмаган. “5-автобус саройи” МЧЖ бўйича режа бўйича 5 та асбоб-ускуна ва жиҳоз алмаштирилиши керак бўлганлигига қарамасдан, амалда фақат 3 таси алмаштирилган, яъни режа 60%га бажарилган. “18-автобус саройи” МЧЖ бўйича 2016 йилнинг I ярим йиллигида 6 дона асбоб-ускуна ва жиҳоз алмаштирилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 12 таси алмаштирилган, яъни режа 200%га бажарилган.

X. Металл парчалари ва чиқиндиларини топшириш бўйича маълумот.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бўйича 2016 йил I ярим йиллигида 2 781,0 тонна қора ва 49,0 тонна рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаб, топшириш режаси ўрнатилган. 2016 йил I ярим йиллик натижалари бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

Қора металл бўйича

2016 йил I ярим йиллик якунларига кўра қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш **1 157,53 тоннани** ташкил этиб, 2016 йил I ярим йиллик режаси **41,6 %** га бажарилди. Режага (2 781,0 тонна) нисбатан 1 623,5 тонна кам қора металл парчалари топширилди.

Рангли металл бўйича

2016 йил I ярим йиллик якунларига кўра рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш **24,14 тоннани** ташкил этиб, 2016 йил I ярим йиллик режаси **49,3%** га бажарилди. Режага (49,0 тонна) нисбатан 24,86 тонна кам рангли металл топширилди.

Режа топшириқлари бажарилмаганлигининг сабаби жамият корхоналарида қора ва рангли металл чиқиндилари асосан ҳаракат воситаларини ҳисобдан чиқариш ҳисобига тайёрланишидир. 2008-2013 йилларда автобусларнинг янгиланиши ҳисобига тасарруф муддатини ўтган автобуслар асосан ҳисобдан чиқарилди ва яқин вақтларда ҳаракат воситаларини катта миқдорда ҳисобдан чиқариш режалаштирилмаяпти.

XI. Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 мартдаги 59-сонли “2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан 2015 йил октябрь - ноябрь ойларида бўлиб ўтган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2016 йилга умумий қиймати **28 038,59 млн.сўмлик** 132 та шартномалар имзоланди.

2016 йил I ярим йиллик режаси бўйича **14 390,65 млн.сўмлик** асосий воситалар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва маҳсулотлар харид қилиниши режалаштирилган бўлиб, амалда **2 354,08 млн.сўмлик** маҳсулотлар харид қилинди, яъни режа кўрсаткичлари **16,4%**га бажарилди.

XII. Қурилиш-пудрат ишлари ҳажми бўйича маълумот.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан 2016 йил I ярим йиллик якунларига кўра **1,306 млрд.сўмлик** қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, режа (2,023 млрд.сўм) **52,14%**га бажарилди. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги корхоналар молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда ҳамда корхоналар маблағларининг самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир корхонада 2015 йилда қурилиш гуруҳи ташкил этилди. Жамият таркибидаги корхоналарда қурилиш-таъмирлаш ишларининг қурилиш гуруҳи томонидан бажарилиши натижасида корхоналар маблағларининг тежалишига эришилмоқда.

XIII. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўланиши тўғрисида

2016 йилнинг I ярим йиллиги натижалари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарда ходимнинг ўртача ойлик миқдори 805,5 минг

сўмни ташкил қилиб, шу жумладан автобус саройлари бўйича ўртача ойлик миқдори 813,7 минг сўмни, таксопарклар бўйича – 458,3 минг сўмни, метрополитен бўйича – 770,9 минг сўмни ташкил қилди.

Шаҳар йўналишларида хизмат кўрсатувчи автобуслар ҳайдовчиларининг ўртача ойлиги 992,5 минг сўмни, шу жумладан “Мерседес-Бенц” русумли автобуслар ҳайдовчиларининг ўртача ойлиги 1 142,7 минг сўмни, “Исузу” русумли автобуслар ҳайдовчилари бўйича 825,0 минг сўмни, метрополитен машинистлар бўйича – 1 247,8 минг сўмни, чиптачиларнинг ўртача ойлик маошлари – 499,3 минг сўмни, авточилангарларнинг ўртача ойлик маошлари – 837,5 минг сўмни ташкил қилди.

Автобус саройлари бўйича иш ҳақи жамғармасининг даромадлардаги улуши 22,7%ни, метрополитен бўйича эса 39,8%ни ташкил қилди.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар ишчи-ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, даромадлари ва турмуш даражасини ошириш мақсадида жамиятнинг 2016 йил 30 июнда иш ҳақини ошириш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқга асосан 2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб тармоқ корхоналарида иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилди.

XIV. 2016 йил III-чорагида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш ва зарар кўриб ишлашини камайтириш мақсадида 2016 йил давомида амалга оширилиши мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган. 2016 йил давомида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида жамият тизимидаги корхоналар харажатларининг 7 231,6 млн.сўмга камайтирилиши режалаштирилган.

2016 йил учун мўлжалланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида айрим муаммоларнинг ечилиши зарурдир. Улар қуйидагилар:

1. “Тошкент шаҳар жамоат транспортига электрон тўлов тизимини жорий этиш” лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда тармоқ жадвали тасдиқланган. Шу билан бирга, лойиҳа бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан эксперт хулосаси олинган. Тошкент шаҳар жамоат транспортига электрон тўлов тизимини жорий этишни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2015 йил 28 декабрда Корея Республикасининг тажрибали компаниялари тижорат таклифлари асосида тақдимот ўтказилди. Шунингдек, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Тошкент шаҳрида транспорт воситалари хизмати учун электрон тўловларни амалга ошириш лойиҳаси бўйича презентация материаллари тайёрланиб, 2016 йил 3 февралда 15-8/111-сонли хат билан Ўзбекистон

Республикаси вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Молия ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликларига киритилди. Лойиҳани амалга жорий қилиш ишлари бўйича таклифларни ўрганиш ва тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимовнинг 2016 йил 5 апрелдаги 05/29-30-сонли топшириғига асосан Ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги (А.Файзуллаев) раҳбарлигида ТИАИС, Иқтисод, молия вазирликлари, Қайта тиклаш ва ривожланиш жамғармаси, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳининг 2016 йил 12 апрелдаги йиғилишида лойиҳанинг дизайни ва техник топшириқ экспертизасини ўтказиш, Жанубий Корея компанияларини таклиф этган ҳолда лойиҳани жорий этишнинг қиймати, шартлари ва зарур бўладиган вақтини аниқлаштириш тўғрисида топшириқ берилган. Ушбу топшириқлардан келиб чиққан ҳолда Жанубий Кореянинг Lotte Group (ЕВ Card), Korea Telecom, LG CNS компанияларига хатлар юборилган, ҳамда улар билан ўтказиладиган музокаралар жадвали тасдиқланган. Тасдиқланган жадвалга асосан 2016 йилнинг май ойида ушбу компаниялар билан музокаралар ўтказилиб, уларнинг лойиҳа бўйича таклифлари олинди. Олинган таклифлар асосида тақдимот тайёрланиб, 2016 йил 1 июнь куни Ахборот вазирлигига киритилди. Ҳозирги кунда лойиҳа бўйича тақдимот материаллари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (Р.С.Азимов) киритилди.

2. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тайёрланиб, 2016 йил 30 мартда 5-13/239-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритилган. Ушбу қарор лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 273-сон қарорига айрим ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, объектларни сотишдан тушадиган маблағларни жамият корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтириш назарда тутилган.

3. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан тасарруф этилаётган “Мерседес-Бенц Лов Флоор” русумли автобусларнинг аҳолига хавфсизликни таъминлаган ҳолда хизмат кўрсатилишини амалга ошириш мақсадида 2015 йил якунлари бўйича ўрнатилган тарифлар бўйича йўловчи ташиш хизматлари кўрсатилиши натижасида олинган 47,6 млрд.сўм миқдоридagi зарарнинг қопланиб берилиши натижасида дизель ёнилғиси, тортиш электр энергияси, эҳтиёт қисмларни, мойлаш материалларини, банклар олдидаги кредитлар тўловини ва бошқаларни амалга ошириш имкони пайдо бўлар эди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 2016 йил 28 июндаги 215-сонли қарорларида “Тошкент трамвайи” УКга тегишли бино ва иншоотларни аукцион савдолари орқали

сотилиши кўрсатилган. “Тошкент трамвайи” УК бино ва иншоотларинининг нархини аниқлаштириш мақсадида жамият кузатув кегашининг 2016 йил 5 майдаги йиғилиши қарорига кўра баҳоловчи корхоналар аниқланган ва ҳозирги кунга келиб 4 та объектнинг бозор қиймати аниқланган бўлиб, уларни аукцион савдоларига чиқариш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бино ва иншоотларнинг сотилиши натижасида олинadиган пул маблағларининг 102-қарорда кўрсатилган мақсадларга йўналтирилиши натижасида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлиги таъминланган бўлар эди.